

ЯПОН ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ФРАЗЕОЛОГИК АНТОНИМИЯ

Жўрамурад Д. (СамДЧТИ)

Тил тизимида маъно қарама-қаршилиги универсал лингвистик категориялардан бири ҳисобланади. Табиат ва жамиятдаги барча ҳодисалар каби тилда ҳам воқелик зиддиятлар орқали анланади. Ана шу қарама-қаршилик қонунияти лексик тизим билангина чекланиб қолмай, балки фразеологик қатламда ҳам ўзига хос шакл ва мазмун касб этади. Айниқса, фразеологик бирликларнинг антонимик муносабатда қўлланилиши нутқнинг экспрессивлиги, образлилиги ва таъсирчанлигини кучайтиришда муҳим услубий омил сифатида намоён бўлади.

Фразеологик антонимия масаласи тилшунослиқда нисбатан кам ўрганилган йўналишлардан бири бўлиб, кўп ҳолларда у лексик антонимия доирасида қараб чиқилган. Ҳолбуки, фраземалар антонимияси лексик антонимиядан ўзининг семантик яхлитлиги, образли тафаккурга таянганлиги ҳамда контекстга кучли боғлиқлиги билан тубдан фарқ қилади. Таниқли тилшунос Л.В. Щербанинг “контрастлар инсон диққатини ўзига кучли жалб қилади” деган фикри айнан фразеологик антонимиянинг нутқий аҳамиятини тўлиқ очиб беради. Зеро, фраземик антонимлар орқали инсон тафаккуридаги ички зиддиятлар, руҳий ҳолатлар, ижтимоий муносабатлар ва ҳаётий қарашлар ёрқин ифода топади.

Фразеологик антонимлар инсон нутқида фақатгина маъно қарама-қаршилигини билдириш билан чекланиб қолмай, балки услубий вазифани ҳам бажаради. Улар бадиий матнда антитеза ҳосил қилиш орқали воқеа-ҳодисаларни кескин таққослаш, образларни чуқур очиб бериш ҳамда муаллиф позициясини ифода этишга хизмат қилади. Антитеза — қарама-қарши образ, тушунча ёки фикрларни зид кўйиш асосида шаклландиган стилистик восита бўлиб, фраземик антонимлар унинг энг самарали ифодаланиш шаклларида бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан фразеологик антонимияни нафақат семантик, балки функционал-услубий нуқтаи назардан ҳам ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбек тилшунослигида фразеологик антонимия масаласи алоҳида илмий йўналиш сифатида шаклланиган. Хусусан, К. Бозорбоев фразеологик антонимларнинг шаклланишида ҳам компонент лексемаларнинг антонимияси, ҳам умумфразеологик маъноларнинг қарама-қаршилиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини таъкидлайди. Б. Йўлдошев эса фраземаларнинг тараққиёти ва бойиши фақат янги ибораларнинг пайдо бўлиши билан эмас, балки мавжуд фразеологик бирликларнинг семантик, грамматик ва функционал жиҳатдан қайта ишланиши орқали ҳам амалга ошишини кўрсатади. Бу фикр фразеологик антонимиянинг динамик хусусиятга эга эканини тасдиқлайди.

Фразеологик антонимиянинг муҳим жиҳатларидан бири — унинг контекстуал хусусиятидир. Айрим ҳолларда фраземалар умумтилда тайёр антоним жуфтлик сифатида мавжуд бўлса, бошқа ҳолларда эса антонимия фақат муайян матн ёки нутқий вазият доирасида юзага келади. Бундай контекстуал ёки оккозионал антонимия ёзувчининг ижодий маҳсули бўлиб, у умумий тил меъёридан ташқарида мавжуд бўлмайди. Шу орқали муаллиф асарнинг эмоционал таъсирини кучайтиради ва бадиий ифода имкониятларини кенгайтиради.

Фразеологик антонимия масаласини қиёсий нуқтаи назардан ўрганиш, айниқса, ўзбек ва япон тиллари мисолида таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Япон тилида фразеологик

бирликлар (慣用句 *kanyoku*) ҳам образли тафаккурга, ҳам миллий-маданий тажрибага чуқур боғланган. Ўзбек ва япон тилларидаги фраземик антонимияни қиёсий ўрганиш орқали икки халқнинг дунёқараши, эмоционал баҳолаш усуллари ва бадиий тафаккур хусусиятларини очиб бериш мумкин.

Шунинг учун мазкур мақолада фразеологик антонимларнинг бир матн доирасида қўлланилиши, уларнинг антитеза ҳосил қилишдаги роли ҳамда ўзбек ва япон тилларидаги умумий ва фаркли жиҳатлари илмий-назарий асосда таҳлил қилинади. Тадқиқотда фразеологик антонимия семантик, структура ва функционал мезонлар асосида кўриб чиқилиб, унинг бадиий нутқдаги ифодавий имкониятлари ёритилади.

Япон тили фразеологик тизимида антонимия ҳодисаси ўзбек тилига нисбатан ўзига хос тарзда намоён бўлади. Япон фразеологизмлари (慣用句 *kanyoku*) кўп ҳолларда қатъий шаклий барқарорлик, грамматик чекланганлик ва семантик яхлитлик билан характерланади. Шу сабабли япон тилида фразеологик антонимия асосан лексик компонентлар қарама-қаршилигига эмас, балки бутун ибора орқали ифодаланган ҳолат, ҳолатнинг йўналиши ёки психологик натижанинг зидлигига таянади.

Япон фразеологик антонимлари, одатда, икки йўл билан шаклланади:

- маъно жиҳатдан қарама-қарши ҳолатни ифодаловчи мустақил иборалар орқали;
- бир фразеологик қолипнинг грамматик ёки лексик трансформацияси натижасида.

Масалан, 腰を抜かす. *koshio nukasu* – “қаттиқ қўрқиб, ўзини йўқотмоқ” ва 平気である. *heiki de iru* — “хотиржам бўлмоқ” иборалари таркибий жиҳатдан мутлақо фарқ қилса-да, ифодалаган ҳолатлари жиҳатидан антонимик муносабатга киришади. Бу ҳолат япон тилида фразеологик антонимия кўпроқ концептуал-семантик зидликка асосланишини кўрсатади.

Битта образли модел асосида юзага келган антонимия.

Япон тилида инсон танаси аъзолари орқали ифодаланган фразеологизмлар жуда кенг тарқалган бўлиб, уларда антонимия ҳам кўп ҳолларда образли модел доирасида амалга ошади. Масалан:

顔が立つ. *kao ga tatsu* — “обрў сақламоқ”

顔がつぶれる. *kao ga tsubureru* — “шарманда бўлмоқ”

Бу жуфтликда антонимия лексик компонентлар алмашуви орқали эмас, балки “ижтимоий нуфуз” концептининг қарама-қарши ҳолатлари орқали юзага келган. Ўзбек тилидаги “юзи ёруғ бўлмоқ — юзи ерга қарамок” жуфтлиги билан маъно жиҳатдан яқинлик кузатилади.

Инкор шакли орқали чекланган антонимия.

Япон тилида баъзи фразеологизмлар грамматик жиҳатдан фақат ижобий ёки фақат инкор шаклда қўлланиши билан характерланади. Масалан, 頭にくる. *atama ni kuru* — “жахли чиқмоқ” иборасининг тўғридан-тўғри инкор шакли 頭にこない. *atamani konai* нутқда деярли қўлланилмайди. Бу ҳолатда антоним маъно алоҳида фразема орқали ифодаланади: 冷静である. *reisei de aru* — “вазмин бўлмоқ”.

Ўзбек тилида эса айни ҳолатда “жахли чикмоқ — хотиржам бўлмоқ” жуфтлиги эркинрок шаклланади ва грамматик чеклов нисбатан камроқдир. Бу фарқ япон тилида фразеологик бирликларнинг шаклий қатъийлиги юқори эканини кўрсатади.

Контекстуал антонимия ва муаллифлик ижоди.

Япон бадий матнларида фразеологик антонимия кўпинча контекст доирасида шаклланади. Муаллифлар мавжуд фразеологик моделларни сақлаган ҳолда, айрим компонентларни ўзгартириш ёки янги образ яратиш орқали антоним жуфтлик ҳосил қиладилар. Масалан, 長い目で見る. *nagai me de miru* — “узоқ муддатли нуқтаи назардан қарамоқ” ибораси контекстда 目先で判断する. *mesaki de handan suru* — “манфаатга қараб қарор чиқармоқ” билан зид кўйилиши мумкин.

Бу ҳолат ўзбек адабиётидаги “узоқни кўзламоқ” — “кўз олдидагини кўрмоқ” каби контекстуал антонимия билан қиёсланади.

Япон ва ўзбек тилларида фразеологик антонимиянинг умумий ва фарқли жиҳатлари

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, ҳар икки тилда ҳам фразеологик антонимия:

- бадий матнда антитеза яратишда муҳим стилистик восита ҳисобланади;
- инсоннинг руҳий ҳолати, ижтимоий муносабати ва ахлоқий баҳосини ифодалашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд. Ўзбек тилида фразеологик антонимлар кўпинча лексик антонимларга таянади ва структура жиҳатдан эркинрок. Япон тилида эса фразеологизмлар шаклан қатъий бўлиб, антонимия кўпроқ семантик-концептуал даражада юзага келади.

Мазкур тадқиқотда фразеологик бирликларнинг бир матн доирасида антонимик тарзда қўлланилиши масаласи тизимли равишда таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, фразеологик антонимия тил тизимида фақат семантик қарама-қаршиликни эмас, балки нутқий таъсирчанликни кучайтириш, образлиликни таъминлаш ва муаллиф позициясини ифода этишда муҳим стилистик механизм сифатида намоён бўлади.

Фразеологик антонимлар лексик антонимларга нисбатан мураккаб ва кўпқиррали табиатга эга бўлиб, уларнинг антонимияси аксар ҳолларда алоҳида компонентлар ўртасида эмас, балки бутун фразеологик бирликнинг яхлит маъноси асосида шаклланади. Бу ҳолат фразеологизмларнинг семантик мустақиллик даражаси юқори эканини, улар тилда алоҳида маъно бирлиги сифатида фаолият юритишини тасдиқлайди.

Таҳлил жараёнида фразеологик антонимиянинг турли кўринишлари аниқланди: бир фразема таркибидаги ички антонимия, мустақил фраземалар жуфтлиги орқали юзага келган антонимия, структура жиҳатидан бир хил ва ҳар хил бўлган антонимик жуфтлар, шунингдек, контекстуал ва окказионал антонимия ҳолатлари. Айниқса, бадий матнларда муаллиф томонидан мавжуд фраземаларнинг семантик қайта ишланиши, улар асосида янги антонимик муносабатлар яратилиши фразеологиянинг динамик ва ижодий табиатини яққол намоён этади.

Япон тили материали асосида олиб борилган таҳлил фразеологик антонимиянинг ўзига хос хусусиятларини очиқ берди. Япон тилида фразеологик бирликлар шаклий ва грамматик жиҳатдан юқори даражада барқарор бўлиб, антонимия кўпинча тўғридан-тўғри инкор ёки лексик алмашув орқали эмас, балки концептуал-маъно зидлиги асосида шаклланади. Бунда

инсоннинг рухий ҳолати, ижтимоий мақоми ёки вазиятга бўлган муносабати образли воситалар орқали қарама-қарши қўйилади. Бу эса фразеологик антонимиянинг универсал тил ҳодисаси эканини, бироқ унинг ифода шакли ҳар бир тилнинг ички қонуниятлари билан белгиланишини кўрсатади.

Шу билан бирга, тадқиқот фразеологик антонимларнинг нутқдаги амалий аҳамиятини ҳам очиқ берди. Бундай бирликлар орқали нутқда антитеза яратилади, фикр кескинлиги ошади, эмоционал-экспрессив таъсир кучаяди. Айниқса, бадиий услубда фразеологик антонимия қаҳрамон характери, ички зиддиятлар ва ижтимоий муносабатларни ёритишда самарали восита сифатида хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, фразеологик антонимия тилнинг фақат лексик қатламигагина эмас, балки унинг когнитив, прагматик ва стилистик тизимига чуқур боғлиқ бўлган мураккаб лингвистик ҳодисадир. Унинг чуқур ўрганилиши фразеология назариясини бойитиш, бадиий матн таҳлили имкониятларини кенгайтириш ҳамда қиёсий тилшунослиқда янги илмий натижаларга эришиш учун мустаҳкам асос яратади.

Фойдаланилган адабиётлар таҳлили:

1. Абдуғафур Маматов, Барно Болтаева. Фразеологик бирликларнинг лингвомаданий ва семантик-прагматик тадқиқи. Тошкент, 2018
2. Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. Самарқанд, 2007.
3. Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол.фан.ном дисс.автореф. Тошкент, 2000.
4. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати. Тошкент: Фан, 1964.